

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1906,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11,7 минг кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди.

Бухоро вилоятининг доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2019 йил 1 июль ҳолатига)


	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Бухоро вилояти	1906,6	704,9	1201,7	100,6	100,5	100,7
Бухоро ш.	279,1	254,5	24,7	100,5	100,5	100,5
Когон ш.	60,9	60,9	-	100,3	100,3	-
<i>туманлар</i>						
Бухоро	164,3	37,7	126,7	100,7	100,7	100,7
Вобкент	137,9	27,0	110,9	100,7	100,7	100,7
Жондор	172,1	33,2	138,9	100,6	100,5	100,6
Когон	76,9	5,5	71,4	100,9	101,2	100,9
Олот	98,2	36,9	61,3	100,8	100,3	101,1
Пешкў	121,0	15,4	105,6	100,7	100,7	100,7
Ромитан	139,5	34,9	104,6	100,6	100,5	100,6
Шофиркон	175,3	40,5	134,8	100,6	100,4	100,7
Қорақўл	162,3	61,7	100,6	100,6	100,6	100,7
Қоровулбозор	18,2	10,4	7,8	100,8	100,8	100,9
Ғиждувон	300,8	86,4	214,4	100,6	100,5	100,6

Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари кесимида 2019 йил 1 июль ҳолатига энг кўп аҳоли сони Ғиждувон туманида 300,8 минг кишини (вилоят аҳоли сонигаги улуши 15,8 фоиз), Бухоро шаҳрида 279,1 минг кишини (14,6 фоиз), Шофиркон туманида 175,3 минг кишини (9,2 фоиз) ва Жондор туманида 172,1 минг кишини (9,0 фоиз) ташкил этди.

Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2019 йил 1 июль ҳолатига Бухоро вилояти жами аҳолисига нисбатан, % да)



Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши
(2019 йил 1 январь ҳолатига; жамига нисбатан % да)




2019 йил январь-июнь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2018 й.	2019 й. ¹⁾
Туғилганлар	16303	17106	803	17,5	18,1
Ўлганлар	3860	3812	-48	4,1	4,0
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	134	121	-13	х	х
Табиий ўсиш	12443	13294	851	13,4	14,1
Никоҳлар	6031	6283	252	6,5	6,7
Ажралишлар	888	926	38	1,0	1,0


¹⁾ дастлабки маълумот

2019 йил январь-июнь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

(ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони ¹⁾ (2019 йил 1 июль ҳолатига, минг киши)



Туғилиш. 2019 йилнинг январь-июнда туғилганлар сони 17106 кишини (бу ерда ва бундан кейин туғилганлар сифатида фақат тирик туғилганлар инобатга олинган) ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (16303 киши) нисбатан 803 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,1 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (17,5 промилле) нисбатан 0,6 промиллега кўпайди.

Худудлар кесимида туғилганлар сони вакоэффициенти

(2019 йил январь – июнь)



Маълумот учун:

2019 йил январь-июнь ойларида энг кўп туғилиш май ойида, яъни 3214 қайд этилганлиги кузатилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Когон (15,4 промилледан 18,3 промиллега) шаҳар, ҳамда Вобкент (16,8 промилледан 18,8 промиллега) тумани, Бухоро шаҳри (15,6 промилледан 17,0 промиллега) ва Олот (19,3 промилледан 20,4 промиллега) туманларида қайд этилди.

Маълумот учун:

Охириги 5 йилликда Бухоро вилоятида энг юқори туғилиш 2018 йилда, яъни 40,3 минг бола, аксинча энг паст – 2017 йилда, яъни 37,2 минг бола қайд этилгани кузатилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Олот туманида (20,4 промилле) кузатилди.


Ўлим даражаси. 2019 йилнинг январь-июнда ўлганлар сони 3812 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (3860 киши) нисбатан - 48 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,0 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-июнида – 4,1 промилле).

Маълумот учун:

2019 йил январь-июнь ойларида энг кўп ўлим май ойида, яъни 735 минг киши қайд этилгани кузатилди.

Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффициенти

(2019 йил январь – июнь)




Ўлим сонининг кўпайиши Шофиркон (4,0 промилледан 4,5 промиллега), Когон (4,3 промилледан 4,6 промиллега), Қорақўл (3,9 промилледан 4,2 промиллега) ва Бухоро (3,7 промилледан 3,8 промиллега) туманларида кузатилди. Қолган барча туманларда камайиш тенденцияси кузатилди.

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Қоровулбозор (2,0 промилле), Ромитан (3,4 промилле) туманларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 60,9 фоиз қон айланиш тизими касалликларидан, 10,2 фоиз ўсимталардан, 5,0 фоиз бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,1 фоиз овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 6,0 фоиз нафас олиш аъзолари касалликларидан, 0,8 фоиз юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,0 фоиз бошқа касалликлардан вафот этган.

2019 йилнинг январь-июнда ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 121 нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффиценти 6,0 промиллени (2018 йил январь-июнида – 11,8 промилле бўлган) ташкил этди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 53,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 4,1 фоизи нафас олиш аъзолари касалликларидан, 20,7 фоизи туғма аномалиялардан, 6,6 фоизи юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,5 фоизи ва бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 12,4 фоизии бошқа касалликлардан вафот этган.

Гўдаклар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Шофиркон (9,5 промилле - 1000 тирик туғилганга) тумани, ҳамда Бухоро (8,8 промилле), Когон (7,0 промилле) шаҳарлари ва Олот (6,5 промилле) туманларида кузатилди.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2718 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4233 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1515 кишига (2018 йилнинг шу даврида - минус 1190 киши) тенг бўлди.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Бухоро (минус 436) шаҳар, Гиждувон (минус 531), ҳамда Қоракўл (минус 227) туманларида қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Бухоро (плюс 180) туманида кузатилди.

**Аҳоли миграцияси
(январь-июнь, киши)**

	<i>Келиш</i>		<i>Кетиш</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2018й.</i>	<i>2019й.</i>	<i>2018й.</i>	<i>2019й.</i>	<i>2018й.</i>	<i>2019й.</i>
Бухоро вилояти	3051	2718	4241	4233	-1190	-1515
Бухоро ш.	46	632	1393	1068	-1347	-436
Когон ш.	54	66	183	271	-129	-205
<i>туманлар</i>						
Бухоро	889	473	216	293	673	180
Вобкент	169	259	211	303	-42	-44
Жондор	234	99	149	224	85	-125
Когон	328	257	141	165	187	92
Олот	151	128	186	118	-35	10
Пешкў	178	98	128	131	50	-33
Ромитан	128	68	225	176	-97	-108
Шофиркон	330	261	347	353	-17	-92
Қорақўл	196	114	274	341	-78	-227
Қоровулбозор	29	49	84	45	-55	4
Ғиждувон	319	214	704	745	-385	-531


Никоҳлар. 2019 йилнинг январь-июнда ФХДЁ органларида 6283 та никоҳлар олинган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан 6,7 та никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида – 6031 та) тузиш коэффициенти 6,5 промиллени ташкил этди.

Маълумот учун:

2019 йил январь-июнь ойларида энг кўп никоҳ январь ойида, яъни 1439 минг бирлик қайд этилгани кузатилди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли ўсиши Бухоро (5,5 дан 6,7 промиллега) ва Қоровулбозор (5,0 дан 6,4 промиллега) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффиценти¹⁾
(январь-июнь ойларида)



Никоҳдан ажралишлар. 2019 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 926 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан 1,0 та никоҳдан ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) коэффицентида тенглик кузатилди.

Маълумот учун:
2019 йил январь-июнь ойларида энг кўп никоҳдан ажралиш январь ойида, яъни 181 бирлик қайд этилгани кузатилди.

Никоҳдан ажралиш коэффицентининг сезиларли даражада ўсиши Бухоро шаҳрида (1,8 дан 2,1 промиллега), ва Қорақўл туманида (0,6 дан 0,8 промиллега) кузатилди.

Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффиценти
(январь-июнь ойларида)

